

## Уят – инсоний фазилат

Жиззах ДШИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Ёркин Туропов

“...Уят - ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади”.

*Ислом Каримов*

Уят, уятчанлик инсонни инсонийлигини белгиловчи ахлоқий фазилатлардандир. Зеро, инсон маънавиятга эга, ахлоқий мавжудот экан, уят унинг хатти-харакатини бошқариб турувчи ахлоқий ҳодисадир.

Уят инсонга хос туйғудир. Ҳайвон уят пайдо қилолмагани учун инсонга яқинлаша олмайди, лекин инсон уятини йўқотиб қўйиб ҳайвонга яқинлашиб қолиши мумкин.

Бир донишманд уятни “виждоннинг сиртки кўриниши” дебди. Демак, уятсизлик билан беадаблик, беадаблик билан ахлоқсизлик, ахлоқсизлик билан жинояткорлик орасида қалин девор йўқ, буларнинг бари виждонсизликнинг турли босқичларидир. Модомики шундоқ экан, уятни жамиятимизни бало қазодан сақлайдиган буюк посбон дейиш мумкин.

Ўзбек халқининг миллий-маънавий камолотида шарм-ҳаё, андиша, ор-номус, камтарлик, ибo ва иффат каби ахлоқий туйғу ва тушунчалар муҳим ўрин тутиб, миллий маънавиятимиз ва менталитетимизни шакллантирган омиллардан ҳисобланади.

Бугунги кунда глобаллашувнинг маънавий таҳдидларига қарши курашишда, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, илғор урф-одат ва анъаналаримиз ва миллий қадриятларимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялашда ана шу ахлоқий қадриятларимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“Бу ҳақда фикр юритганда, - дейди Президентимиз Ислон Каримов,- бизнинг улуг аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биладан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, уят - ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий қадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

Дарҳақиқат, уят ва ор-номусини йўқотган одам, Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланиб қолади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг:

Олдиға қўйганни емак - ҳайвон иши,

Оғзига келганни демак - нодон иши, -

деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлаб беради”<sup>1</sup>.

Уят, шарм-ҳаёнинг юксак инсоний фазилат эканлиги, унинг инсон маънавий камолотидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида Қуръони Карим, Ҳадиси шарифларда, Шарқу Ғарб мутафаккирларининг асарларида кўплаб пурмаъно фикр-мулоҳазалар билдирилган.

“Қиёмат кунидаги одамларнинг ёмони – беҳаёлиги сабабли назардан четда қолдирилган одамдир”<sup>2</sup>, “Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради”, “Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлагидир” дейилади, ҳадис шарифларда.

Ўрта аср Шарқининг машхур алломаларидан Муҳаммад Зехний “Кишидан ҳаё кетса, тездагина бало етиб келади!” деса, Хос Ҳожиб Юсуф:

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.Т.: “Маънавият”, 2008. Б.-118.

<sup>2</sup> Ҳадислар ва Шарқ алломаларининг шарм-ҳаё, уят ҳақидаги ҳикматли сўзлари “Машриқзамин ҳикмат бўстони”(Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2008.) китобидан олинди.

Уятли киши одамларнинг сарасидир,

Уятсиз киши — кишиларнинг тубани,

Уятсиз тили тўғри сўз сўзламайди.

Уятсиз кишидан йироқ тур, йироқ,

Уятсизнинг кўзи қаттиқ бўлади.

Ор-номуссиз кишининг юзи гўштсиз сўнгалдир,

Ор-номуссиз кишининг ўзи битмас мараздир –деб, уятсиз кишиларни қаттиқ қоралайди.

“Ҳаё кишиларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчидир. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти бўлмайди. Барча қабих ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва ўз йўлига соллолмайди”,- деб таъкидлайди яна бир Шарқ алломаси Муҳаммад Жавҳар Заминдор.

“Агар орадан шарму ҳаё кўтарилса ва киши кишидан уялмаса, олам низомига халал етади”, деб ҳисоблайди Ҳусайн Воиз Кошифий.

XIX аср охири XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакилларида бири Абдулла Авлоний уят ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Иффатингни пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир... Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас”,

Ҳаё, номус имона далилдур.

Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

Буюк рус файласуфи Владимир Соловьевнинг ахлоқий қарашларида уят, шафқат ёки ачиниш ва художўйликдан иборат ахлоқий тушунчалар учлиги асосий ўринни эгаллайди. Хўш, уят нима? Нисбатан тубанликка ва нокомиллика

тушиб қолган, лекин бундай ҳолатни ўзи учун нолайиқ деб билгани учун мазкур даражадан юксалиш зарурлигини англаган киши уялади. Чунончи, жинсий алоқа ҳайвонот олами учун табиий ва ахлоқийликка алоқаси йўқ. Бироқ у инсоният дунёсида, табиий бўлса ҳам, ахлоқий хатти-ҳаракат тамойили эмас, бепарда ҳолида инсонни уялтирадиган ҳолатдир. Зеро у, табиий бўлса ҳам, ахлоқийлик қошида ўзининг очиқ кўринишда амалга ошув ҳуқуқини йўқотади, яъни, ахлоққа бўйсунди.

Соловьёв, Декартнинг тафаккур моҳияти ҳақидаги машҳур иборасини ахлоқийликка нисбатан қўлланганида мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган мулоҳазани билдиради: «Мен уяляпманми, демак, мавжудман, на фақат жисман, балки ахлоқан ҳам мавжудман, - мен ўз ҳайвонийлигимдан уяляпманми, демак, мен ҳали ҳам одам сифатида мавжудман».

Маълумки, инсон танасининг териси унинг ички аъзоларини турли микробу вируслардан ва бошқа ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилувчи ташқи қобиғдир. Ана шу ташқи қобиғ зарарланса инсон ички аъзоларига микробларнинг кириб келиб уларни зарарлаши осонлашади. Пиянисталар, фоҳишалар, фосиқлар, ўғрилар, товламачилар, порахўрлар, амалпарастлар, безорилар жамиятни турли ахлоқсизлик иллатларидан ҳимоя қилувчи - виждоннинг ташқи қобиғи бўлган уятга раҳна соладилар. Умуман олганда бундай маънавий қашшоқ, маданиятсиз ва ахлоқсиз кимсалар жамиятда бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Улар маълум бир шарт-шароит, объектив ва субъектив омилларнинг маҳсулидир. Совет тотилитар тузуми шароитида маънавий-ахлоқий фазилатларнинг миллий жиҳатлари, анъаналарини инкор этиш ёки камситиш кучайди. Уларни маънавий қолоқлик ифодаси сифатида талқин этилди. Шарқ халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг минг йиллик маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштирган ҳадислар, шариат ҳукмлари диний хурофот сифатида қораланди. Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарму-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги маънавий қадриятларига зид бўлган европача анъаналар ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Шу туфайли маънавий тубанлик юзага келди. Ёшларда асрий миллий маънавиятимизга зид бўлган

бағритошлик ( фарзандни, ота-онани ташлаб кетиш сингари), қотиллик (ўз фарзандини ўлдириб яшириш), худбинлик, маиший бузуклик, гиёвандлик каби маънавий-ахлоқий айниш юзага келиб, илдиз ота бошлади. Қолаверса, “...коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”<sup>1</sup>.

Ўзбек миллати фақат миллий маънавий камолот орқалигина юзага кела бошлаган миллий-маънавий айнишни олдини олиши мумкин. Соғлом фикрли кишилар, умуман кенг жамоатчилик уятсиз одамларга, одобсизлик, ахлоқсизлик ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига, уларнинг илдизларига қарши муросасиз равишда юксак маънавият ва маърифат билан қуролланган ҳолда кураш олиб бормоғи зарур. Жамиятда кишилар ўртасидаги шарм-ҳаё пардасининг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак.

Шарм — бу ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифлардан бирида айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ножўя қилмиши учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзидан уялмаган одамда шарм бўлмайди. Демак, шарм одам ўз ножўя ҳаракати учун ўз виждони, диёнати олдида жавоб бериш ҳисси, десак бўлади.

Ҳаё эса бу — ўзбекча уятдир. «Бир кетган уят қайтиб келмайди», «Дилда доғ кўтариб юргандан кўра, бетнинг қизаргани афзал», дейди халқимиз. Лекин,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.Т.: “Маънавият”, 2008. Б.-117.

хаёсиз ёки беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилиб хижолат чекмайдиган, одобсиз кимса тушунилади. Ҳазрат Навоий ҳам ахлоқий фазилатлар ичида ҳаёлиликни биринчи ўринга қўяди.

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм айла,

Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла,

Иккинчиси дағи вафо фаҳм айла,

Учинчисини билмасанг, сахо фаҳм айла<sup>1</sup>.

Мутафаккир инсон имон пойдеворининг биринчиси — ҳаё, иккинчиси — вафо, учинчиси — саховатлилик дейди. Уялиш, тортиниш — ҳаёнинг бир хусусияти бўлиб, у барча ёшдаги кишиларга хос бўлиши керак. Меҳр-вафо асосида ҳам шарм-ҳаё тушунчаси ётади. Ҳазрат Навоий айтганидек, вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

Шарм-ҳаёли бўлиш инсонни ҳайвон сингари тубанлашиб кетишдан сақлайди. Ўз ножўя хатти-ҳаракатидан уялиш ҳисси фақат одамларгагина хос хусусият.

Уят — инсоннинг умумэътироф этилган талаблар ва одатларга зид хатти-ҳаракати натижасида бирор киши ёки кўпчилик олдида ўз қилмишидан ўнғайсизланиши<sup>2</sup>. Уят ҳиссида инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-ҳаракатларидан ноқулай вазиятга тушиш ҳолати пайдо бўлади. Бу ҳолат хатти-ҳаракат содир этгандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобини кўзғатади.

Уят шахс камолотида шаклланиб боради. Уят туйғусининг дастлабки белгиси инсоннинг болалик давридаёқ намоён бўлиб унинг томонидан қилинган номақбул иш кимгадир зиён ёки жафо келтирса, ўша киши учун ачиниш, ташвиш тортишдан иборат. Катталарнинг вазифаси ана шу ачиниш, ташвиш

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳикматлар. Т.: “Шарқ” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2010, Б.- 159.

<sup>2</sup> Тарбия (Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). Т.: - “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. Б. -428.

тортишни мохирлик билан тўғри йўлга йўналтиришдир. Уят — кишилар орасида ҳаёт қоидаларини ўзлаштирган «шахс овози».

Баъзида бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий муносабатларнинг асосини пулда, пул топишда деб биладиган айрим кимсалар уят, ачиниш, раҳм-шафқат, виждон тушунчаларини бир четга йиғиштириб қўйиб “нима қилиб бўлса ҳам бойлик орттириш ва шу орқали жамиятда ўринга - бойлик, обрў-эътибор, мақе ва нуфузга эга бўлиш мумкин” деган қараш-тамойлани ўзларининг онги ва фаолиятида намоён қилмоқдалар. Бундай кимсалар “ҳаромдан хазар”, “етим-есирнинг ҳақидан кўрқиш”, “харидор ҳаққига хиёнат қилиш”, “тарозидан уриб қолиш” ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик, омонатга хиёнат қилиш каби ахлоқсизликлардан одамлардан уялмайдилар, Аллоҳ олдида гуноҳга ботишдан кўркмайдилар. Улар учун ҳаёт – “яшаш учун шафқатсиз кураш”дан иборат. Уларнинг фикрича, бу “курашда ким кучли, олғир ва юлғич бўлса, жамият қонун-қоидаларига чап бериб, ахлоқий меъёрларини четлаб ўтса, мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай ахлоқсиз, ифлос воситалардан ҳам фойдаланишдан тап тортмаса ўша ютади, ғолиб чиқади”. Бу ҳолат инсонийликни пулга, бойликка арзон гаров алмаштиришдир. Бундай кимсаларга шундай дегинг келади: “жамият бағрига бир парча эт бўлиб келиб, жамиятдаги сенгача яшаган инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни истифода этиб вояга етсангу, куч-қувватга тўлиб, энди жамиятдан олган қарзингни бунёдкорлик, яратиш, ижод қилиш, ҳалол меҳнат қилиб узиш ўрнига яна ва яна жамиятдан тортиб олсанг, юлсанг, истеъмолчи бўлиб қолаверсанг. Уят эмасми?. Яна кўча-кўйда, бозор-ўчарларда қўлини пахса қилиб ўзидан ёши катта одамларга пишқириб гапираётган ёки қизилу сариқ, яшиллу кўк рангдаги олабайроқ кийимларни кийиб, сочини ғалати бир шаклга солган, қулоғига “наушник” тақиб олиб гўёки ўзи билан ўзи гаплашиб кетаётган, ташқи реал дунёдан узилиб қолган баъзи ёш йигитларни кўрганингда ёқа ушлайсан. Табиат эракларни кучли, бақуват қилиб яратган, нега энди баъзи йигитлар ўзларини “нозиклаштириш”га, аёлларга ўхшаб пардоз-андоз қилишга, зеб-зийнат тақишга (худога шукрки, ўзбек йигитлари

орасида кулоғига исирға такадиганлари йўк) интилишмоқда? Нахотки уларда уят ҳисси йўқолиб кетган бўлса? Аёл ҳаёси билан, ибоси билан гўзал. Айрим ҳолларда “шармандага шаҳар кенг” қабилида иш тутадиган, оғзидан хатто эркаклар ҳам айтмайдиган уятсиз, бепарда сўзлар отилиб чиқаётган, шаллақиликни одат қилиб олган баъзи қизу аёлларни кўрганингда буларда уят туйғуси борми ўзи? деб ўйлаб қоласан. Нега улар уялишмайди? Чунки оилада, мактабда тарбияси нобоп бўлган. Тўғри тарбия олмаган, нима яхши-ю, нима ёмонлиги тушунтирилмаган. Ибрат, намуна кўрсатилмаган. Кичик-кичик беадабликларига эътибор берилмаган, танбеҳ емаган. Бора-бора юзи қотиб “жамият томонидан умумэътироф этилган талаблар ва одатларга зид хатти-ҳаракат қилсам ҳам бўлаверар эканда” деган ақида шаклланган. Бирор киши ёки кўпчилик олдида ўз қилмишидан ўнғайсизланишни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган бўлиб қолган. Албатта, бундай ҳолатлар гўзал миллий ахлоқий киёфамизни хунуклаштиради, ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Уятсиз одамнинг муҳим белгиси иккиюзламачилиқдир. Таниқли файласуф олим А.Чориев шундай дейди: “Бозор иқтисодига асосланган янги жамият куриш авж олган ҳозирги шароитда сўзи билан иши бошқа иккиюзламачи кишилар сони ортиб бораётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Иккиюзламачи кишиларнинг тилларида халқ, миллат, ватан манфаати узлуксиз такрорланиб туради. Улар бошқалар кўз ўнгида ўзларини фидойи, ишбилармон, тадбиркор қилиб кўрсатмоқдалар. Худди ўшалар ахлоқий поклик, иймон-эътиқод ҳақида бот-бот маърузалар ўқиётирлар. Лекин бундай тумтароқли гап сўзлар фақат одамларни чалғитиш, лақиллатиш учун айтилган чақириқлар, даъватлардир, холос.

Иккиюзламачи кишилар хулқ-атворида, шубҳасиз, жамоадан, жамиятдан, бошқалардан кўпроқ юлишу, уларга эса озроқ бериш принципи устуворлик қилмоқда. Худди ўша принцип иккиюзламачи кишилар хулқ-атворида маккорлик ёрдамида ҳеч кимга сездирмасдан амалга оширилмоқда. Ўша маккорлик иккиюзламачи кишилар хулқ-атвори билан хатти-ҳаракати ўртасида тафовут вужудга келганлигининг яққол ифодасидир. Инсон хулқ-атвори билан хатти-ҳаракати ўртасида узилиш содир бўлса, бундай вазиятда инсоний



кадриятлар ҳеч қачон эътиқод даражасига кўтарилмасдан қолаверади.... Инсон хулқ-атвори билан ҳатти-ҳаракати ўртасида вужудга келган бўшлиқни бартараф этишнинг энг муҳим йўли умуминсоний кадриятларга садоқат туйғусини шакллантиришдир”<sup>1</sup>. Иккиюзламачилик имони заифлик, инсофсизликнинг бир кўринишидир.

Уят,шарм-ҳаё инсон имонлилигининг мезонларидандир. Имон-инсоф эса инсонийликнинг устунларидир. Инсоннинг чин маънодаги инсонлиги – унинг имони, диёнати, меҳр-оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқалар билан ўлчанади. Буни биз умумий тарзда инсонийлик тушунчаси билан ифодалашимиз мумкин. Инсонийлик эса фақат имонли инсонлардагина бўлади. Имоннинг боши – тақво.Тақво – ҳар нотўғри ишга қўл уришда – Оллоҳдан қўрқиш, ёмон ишлардан сақланиш. Оллоҳдан қўрқувчи банда оилада, жамиятда ҳалол яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратда жавоб беришини ўйлаб, бировнинг ҳаққга хиёнат қилмайди, тўғри бўлади, порахўрлик қилмайди, қасамхўр бўлмайди, бировни алдамайди, ёлғон гапирмайди, кишиларга, ватанига хиёнат қилмайди ва бошқалар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, имонлилик фақат диндор инсонларгагина хос хусусият деб ўйлаш нотўғридир. Дин арконларини тўлиқ адо этсада, лекин эл-юрт манфаатларига хиёнат қиладиган, динни ўзининг ахлоқсиз, қабих ишларини халқ кўз ўнгидан яшириш учун бир “ниқоб” қилиб олганлар ҳам йўқ эмас. Атоқли ўзбек ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўзининг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида ёзганидек, бандасидан уялмаган одамнинг Худодан қўрқишига ишониш қийин.

Уятнинг инсоний сифат тарзидаги мавжудлиги уятлилик бўлиб, кишининг маънавияти, андишали, номусли эканини англатади. Уятнинг зидди — уятсизлик эса, аксинча, маънавиятсизлик, виждонсизлик каби иллатлар билан характерланади. Уятсизлик катта гуноҳ эканлигини инсонга унинг болалигидан

---

<sup>1</sup> Чориев А.Инсон фалсафаси. II қисм. Мустақил шахс.Т., “Чинор”, 2002.Б.-157-158.

бошлаб сингдириш лозим. Фарзандларимизни шарм-хаёли қилиб тарбиялаш оиладан бошланади. У миллий тарбиянинг муҳим жиҳатларини ташкил этади.

Уят энг шафқатсиз қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқ. Қонун фақат кўзи тушганда, шубҳа пайдо қилгандагина жиноятчини қўлини ушлайди, йўлини тўсади. Уят эса ҳамиша одобсиз, ахлоқсиз жиноятчининг тепасида туриб, ножўя иш қилиш учун қўл кўтаргани қўймайди. Ҳар қандай қонунга чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксига бўлади<sup>1</sup>. Машҳур қадимги Рим ёзувчиси Сенека таъкидлаганидек, қонун тақиқ этолмаган нарсаларни гоҳо виждон тақиқлай олади.

Умуминсоний қадриятлар мазмун-моҳиятини англамаган, худбин, лоқайд ва бепарво, кўрқоқ, ҳаёсини йўқотган одам ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмаслиги мумкин. Киши ўзининг ва бошқаларнинг ёмонликларидан қанчалик уялгани сари у шу қадар ҳурматга сазовор бўлади.

Зеро, буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой таъкидлаганидек, “одамнинг маънавий камолотда қай поғонага кўтарилганини нимадан уялиши ва уялмаслигидек аниқ кўрсатиб турадиган нарса йўқ”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ҳақ сўзнинг кучи. Асарлар. Бешинчи жилд. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989, Б.- 238-239.

<sup>2</sup> Тафаккур гулшани. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. Б.- 271.

